

Область бойня	12 0	58,2
---------------	------	------

КУТЛАЙМИЗ

Улкан ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорни яқиндан билмаган, асарларини севиб-севиб ўқимаган ўзбек китобхони бўлмас керак. Унинг ажойиб ҳикояларини, повестларини мамлакатимиздагина эмас, ҳатто четэлдик мухлислари ҳам қадрлайдилар. Ёзувчининг ҳар бир асари кишида катта қизиқиш туғдиради. Унга ҳурмат, эҳтирос ҳисларини уйғотади.

Жушқин қалбли, ўткир қалам соҳибининг бой ижодиёти мактаб ўқувчилари қалбидан ҳам чуқур ўрин олган. Юқори синф ўқув программаларида эса Абдулла Қаҳҳор ижодиёти кенг ўрганилмоқда.

Севимли ёзувчимиз бизнинг район мактабларига ҳам меҳмон бўлиб келган. Бу самимий учрашуларда у ёшларга одоб ва ахлоқ мавзусида жуда фойдали талларини айтиб, уларни билимдон, меҳнатсевар, коммунистнинг актив қурувчилари бўлиб етиштишга закиради.

Ёзувчининг муборак олтинш ёшга тулишига бағишлаб ўтказилаётган юбилейни қўнларига мактабларда унинг ижодига бағишланган адабий кечалар бўлиб ўтмоқда. Ёш китобхонлар сеvimли ёзувчининг асарларини нақадар берилиб ўқидиганликлари ҳақида, бу асарлардан олган бой таассуротлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Одатда катта тўй эгаси кишилар томонидан қизғин қўлланади. Муборакбод этилади. Биз халқ маорифи ходимлари ҳам бу камтар ва ижоди бўлоқдай қайнаб тошаётган улкан адабий мининг юбилей тўйи билан чин юракдан табриклаймиз. Севимли ёзувчимиз сиҳат-саломат бўлсин, ижоди баҳор гулларидай яшнайверсин!

Р. ННЕСМАТОВ,
Педагог.

ДЕҲҚОНЛАР ҚАДРДОНИ

Адабиётимизнинг чинорларидан бири бўлиши Абдулла Қаҳҳор миллионларча китобхонларнинг чексиз ҳурматиға, иззат-эҳтиромиға сазовор бўлган ёзувчидир. У ўзининг кўп йиллик жушқин фаолияти мобайнида ҳамма севиб ўқидиган асарлар ёзди, ҳамма эър қизиқиш билан томоша қиладиган сахна асарлари яратди. Шунинг учун ҳам унинг олтинш ёшлик юбилейи олий юртимиз орасида шодона тўйга айланиб кетмоқда.

Мен Абдулла акани «Деҳқонлар қадрдони» деб бежизга айтаётганим йўқ. Севимли ёзувчимизнинг ансарият кўпчилиги асарларида қишлоқ ҳаёти, деҳқонлар турмуши эър маҳорат билан ёритилган. Қўнлар қатори бизнинг қишлоғимиз деҳқонлари ҳам моҳир санъаткор Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб бўлган. «Жушқинор чироқлари», «Сиячалак», «Шоҳи сўзача» сингари йирин-йирин асарларини «ичан узди» қилиб қўлларидан ажойиб ҳикояларини қўллай қўймай ўқидилар. Биз деҳқонлар қишлоқ ҳаётини шунчалик ҳаққоний ёритиб берганлиги учун ҳам Абдулла акадан бениҳоя миннатдорчиз.

Умрингизга ва ижодингизга барака тилаймиз, қадрдон Абдулла ака!

Анвар ЭГАМНАЗАРОВ.
Оржоникдзе районидаги «Кизил Ўзбекистон» колхозининг бот агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЮБИЛЯР ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Тошкент илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар киностудияси республикамизнинг йирик маданият арбоблари ҳақида яна бир фильм яратди. Бу—буғуи 60 йиллик юбилейни нишонланаётган сеvimли адабимиз ва драматургияси Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига бағишланган экран асаридир.

Маълум ҳужжатли фильмда ёзувчининг ижодий фаолиятига кенг ўрин берилган. Фильмни томоша қилган киши қалам соҳибини ижод устaxonасида ҳам, ҳамкасблари даврасида ҳам қўради. А. Қаҳҳорнинг нашр этилган асарлари ҳам киноленталарида панорама ҳолида берилган. Фильмга атоқли ёзувчининг муносиб шогирди Улғун Назаров режиссерлик қилди. «Абдулла Қаҳҳор» номига бу фильм адабимиз юбилейига муносиб тортиқдир.

СССР халқ артисти.

САНЪАТКОРНИНГ „СИРИ“

МГУнинг ётирида чет эллик бир аспирант йилит билан танишиб қолди. Суриштирсам венгриялик эман. Совет адабиёти бўйича диссертация ёзаётди ўрта Осиёдаги Мухтор Азизов, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор асарларидан фойдаланаётган эман. У совет адабиётининг ютуқлари ҳақида гапириб «Синчалак»ни ҳам яфтихор билан тилга олди. Мен унга ёзувчининг янги асари «Ўтмишдан эртанглар» ҳақида гапириб бердим. Абдулла Қаҳҳор асарларининг совет ва чет эл китобхонларининг сеҳрлайдиган сирини нимада?

— Унинг ҳаётини, — деб жавоб беришди китобхонлар ҳам, таърихчилар ҳам бир оғиздан. Бу фикр ҳақиқат. Манашу ҳақиқатини чуқурроқ тушуниб олиш учун ёзувчи асарларининг яратилиш жараёни билан яқиндан танишиш катта аҳамиятга эга.

Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий архивидан олинган «Алжонларим»нинг «сир»ларидан маълумот берди. Сўзлар, сатрлар, ҳатто бутун-бутун монологлар қайта-қайта ишланиши, сайнал берилиб яқиндан раиғ олиши юншани хайрат-қолдиради.

«Алжонларим» пьесасининг уриб турган «юрагини» кўрсатадиган марказий образлардан бири Бўстонбуви. Ёзувчининг меҳри, нафсининг кўри кўпроқ ушанга тушганлиги кўриниб турибди. Бўстонбуви ҳақида ижодий ёки салбий образ деган иборани айтиш мақсадга мувофиқ эмас. У тўғри ҳаётдан олинган мураккаб образ. Шунинг учун ҳам бу образ ҳақида гапирганда унинг ҳаётини асосларини эсдан чиқармаслик керак. Ҳаётнинг буғуни талаби Бўстонбуви билан ижодий муомала қилиш улар характери, табиатини тўғри ҳисобга олишни зарур қилиб қўяди. Ёзувчи манашу масаланинг бутун моҳияти билан кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Бўстонбуви ҳақида унинг онгида ёзилган акриндаги томир отган дейиш билан қаноатланмай, унинг ҳақида ҳеч нима айтмаслик билан қаноатланмай, Бўстонбуви ҳақида гапирлар эман, ёзувчининг «Шоҳи сўзача» пьесасидан Ҳамробиби образини эслаш ўринлидир.

Бўстонбуви ҳам Ҳамробибига ўхшаб, ўзига яхшилик қилиш интида қулғили аҳволга тушиб қолади. Манашу коллизия асо-

сида унинг характери ривожланади. Лекин Бўстонбуви характериға юкланган ҳаётини манба сал бошқачароқ. Бўстонбуви ўзича муқаддас деб билган эътиқодлар асосидагина масалага ёндашади. Манашу қондалар асосида у Ҳайрихонни келинликка танилайди, Умиданинг келини бўлишига қаршилини кўрсатади. Тўғрироғи, кишини ўзича ҳолис деб билади. Ҳамробиби характеридаги инсонлар билан Бўстонбувининг табиатида йўқ. Ёзувчининг маҳорати ҳам шундан, Бўстонбувиға ўхшаган нампирлар характеридаги бошқалар илғаб ололмаган нозини ва айни замонда қарама-қарши ҳис-туйғуларини бера олган.

Агар пьесанинг хомаки нусхасидан Бўстонбуви характеридаги ранг олиши, сайқалланишини кузатишдан бўлсан, ёзувчининг қанчалик заҳмат чекканлигига қаноат ҳосил қиламиз. Бўстонбуви учун сўзлар, иборалар чертиб танланганини, нусхадан нусхага янгича ранг олишини, санъаткор расмонинг расмига ўхшаб аста-секин тиниқлашаборилишини кўраимиз. Пьесанинг олдинги нусхаларида Бўстонбуви «Вой гириттон», «Можим билан», «чоч-чоч» иборалари-

ни кўпроқ танқорлайди. Ушан нусханинг бошига бир жойида Бўстонбуви Каримжон ва Умидлага «мени ҳам кинига олиб бориш» дейди. Пьесанинг асл нусхасида эса манашу ортинчаликлар тушириб қолдирилган. Ёзувчи қаҳрамонлар характеридаги очилган сўзлардаги нозини маъно ўзгаришлариға жуда катта аҳамият берган. Масалан, Бўстонбуви Умидани бирданлиға «чақиб олмоқчи» бўлиб: «қайталамай ўл» дейди. Асл нусхада эса «қинқиламай ўл» деб ўзгартирилган. «А»нинг «И» билан ўзгартрилиши сўз маъносига бошқача сайқал беради.

Иккинчи кўринишининг финалида Бўстонбуви Умидани кўймоқчи бўлиб, отланади-ю, ўғлининг: «набиритини ҳам қувасизми, дейиши билан қичқиради: Нозини маъно ўзгаришлариға диққат қилинг.

Турли нусхада турли хил.
1. «Қайтар! Қайтар! Вой қайтар, боласини тугиб кетсин» 2. «А? Қорнида болсин бор? Қайтар! Қайтар! Вой қайтар, боласини тугиб кетсин» 3. (бошини кутариб) «Ҳой, Шанарбуви, шовманг, қизингиз боласини тугиб кетсин» 4. «А? Ҳой, Шанарбуви, шовманг, қизингиз боласини тугиб кетсин!»

Шунингдек, ёзувчи пьесаданги иккинчи даражали қаҳрамонлар диффасининг ҳам еркин чиниши учун керакли раиғларини топиб беради.

Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини буздирай бачча деталлар, сўзлар, жумлаларини чуқур ҳис қилади ва шафқатсиз равишда очиб ташлайди.
А. Қаҳҳор асарларида ички бир табиийлик ва тиниқлик бор. Манашу ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқадиган табиийлик ва тиниқлигини сал хирлаштирадиган ҳамма ортинча нарсаларни ёзувчи дарров севиб олади ва пьесанинг асл нусхасини ўқир энансиз ҳамма нарсани жой-жойида табиий тургандай бўлади. Натияжада ёритилган ҳарактерларнинг ўзлари катта ҳаёт ҳақиқатини жинсолантириб туради. Албатта, бу ичкинагина мақолада ёзувчи санъатининг қиралари ҳақида батафсил тўхталиб бўлмайд.

Ҳа, ёзувчининг китобхонларини ўзига мафтун этдиган сеҳрли сирларида бири унинг улкан мақсад йўлидаги оқшматли ва олижаноб меҳнатидир.

П. ШЕРМУХАМЕДОВ,
МГУ аспиранти.



А. Қаҳҳорнинг «Сиячалак» романининг турли тилларда нашр қилинган нусхалари.

